

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

43-сон
(335)
2008 й.
октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

430. «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрдаги ПФ-4041-сон Фармони
431. «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сон Фармони
432. «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ-986-сон қарори
433. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 октябрдаги ПҚ-988-сон қарори

Учинчи бўлим

434. «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги 229-сон қарори
435. «Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 октябрдаги 230-сон қарори

Бешинчи бўлим

437. «Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 26 сентябрдаги 2008-21-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 октябрда 1108-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
438. «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 24 сентябрдаги 2008-16-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 октябрда 1384-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
439. «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 3 октябрдаги 2008-24-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 октябрда 1396-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 18 октябрдан 24 октябргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

430 Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Сўнги йилларда такрорланаётган сув танқислиги, озиқ-овқат маҳсулотларига жаҳон бозорида нарх-навонинг муттасил ошиб бораётгани муносабати билан, шунингдек, республикада озиқ-овқат экинлари маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини янада ошириш ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш ва шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини янада тўлиқроқ қондириш, пировард натижада қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг 2009 йил ҳосилидан бошлаб контрактация шартномалари бўйича пахта хомашёси етиштириш ҳажмлари ва тегишли равишда пахта экиладиган майдонларни 1-иловага* мувофиқ камайитириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Пахта экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига:

2009 йил ҳосили учун бошоқли дон экинлари экиладиган майдонлар 2-иловага* мувофиқ кўпайтирилсин;

зарур шарт-шароитлар мавжуд бўлган туманлар ва хўжаликларда сабзаёт ҳамда бошқа озиқ-овқат экинлари экилиши таъминлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимликлари қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш бўйича ишларни амалга оширишда:

муайян қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун зарур шарт-шароитлар етарли эканлигига, фермер хўжаликларида алоҳида экин турларига ишлов бериш бўйича кўникма ва тажриба мавжудлигига;

суғориш ва мелиорация тизимлари ҳолатига, ҳудудларнинг сув билан таъминланиш даражасига;

лалми ерларда мойли, озуқабоп ва полиз экинлари майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари 2008 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида қўшимча кузги бошоқли дон экинлари экилишини ташкил этиш бўйича 2-иловага мувофиқ комплекс чора-тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига 2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш ҳамда шудгорлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси:

фермер хўжаликларини жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида қўшимча куз-

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ги бошоқли дон экинлари экилишини ўз вақтида амалга ошириш учун зарур бўлган ҳажмларда ва муддатда юқори сифатли ишлов берилган ва дориланган бугдой уруғлари билан белгиланган тартибда таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда 2009 йилда суғориладиган ерлар учун бошоқли дон экинларининг юқори сифатли уруғларини тайёрлаш ҳажмларини ошириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Давлат захиралари учун назарда тутилган ҳажмлардан ортиқча тайёрланган бошоқли дон экинларининг уруғларидан қўшимча экиш учун фойдаланишга рухсат берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 4 сентябрда қабул қилинган «2009 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-956-қарорига мазкур фармондан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 20 октябрь,
ПФ-4041-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**431 Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий
нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида**

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 28 040 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 55 550 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 28 040 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 55 550 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 33 645 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгачабўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 16 ноябидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 22 октябрь,
ПФ-4042-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**432** Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкнинг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Фуқаролар жамғармаларини ишончли, кафолатли ҳимоялашни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Халқ банкнинг капиталлашувини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини ошириш, жамғармаларга аҳолининг бўш маблағлари жалб этилишини кенгайтириш ҳамда кўрсатиладиган банк хизматлари сифатини яхшилаш, шунингдек банкнинг инвестицион фаолиятини кучайтириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ҳамда технологик янгилаш бўйича истиқболли дастурларни амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика аҳолисига банк хизматлари кўрсатилишини тубдан такомиллаштириш, мижозларга халқаро стандартлар даражасидаги замонавий, жозибадор банк хизматлари кенг комплексини тақдим этиш, бунинг асосида аҳолининг банкка бўлган ишончини ошириш ва миллий ҳамда хорижий валютадаги банк омонатларининг барқарор ўсишини таъминлаш;

Халқ банкнинг пластик карточкаларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблари тизимини ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек халқаро банк карточкалари билан операцияларни кенгайтириш;

банк маблағларини ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини, шунингдек банкнинг барқарор фойзли даромадини таъминлаб берувчи ишончли ва юқори ликвидли активлар ҳамда молиявий воситаларга самарали жойлаштириш;

қарз олувчиларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг замонавий усулларини татбиқ этиш, уларнинг кредит қобилиятини баҳолаш ва бизнес-режаларини атрофлича ўрганиш асосида кредит таваккалчилигини бошқариш тизимини такомиллаштириш;

аввало ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ҳамда технологик янгилаш, замонавий хорижий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш, ушбу асосда юқори сифатли, жаҳон ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилган истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни биргаликда молиялаш йўли билан актив инвестиция фаолиятини олиб бориш;

Халқ банкнинг ҳудудий бўлимлари ва филиалларининг молиявий салоҳиятини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этган ҳолда уларнинг моддий-техника базасини, айниқса қишлоқ жойларда янада мустаҳкамлаш, юқори даромадли минтақавий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда банк бўлимлари ва филиалларининг иштирокини кенгайтириш;

Халқ банки ходимларини қайта тайёрлаш ва малакаси оширилишини тизимли асосда ташкил этиш, банк бўлинмаларини аҳолига банк хизмати кўрсатилишини такомиллаштириш ҳамда банкнинг инвестицион фаолиятини кучайтириш масалаларини самарали ҳал этиш қобилиятига эга юқори малакали, ташаббускор раҳбар ва мутахассислар билан мустаҳкамлаш.

2. Давлат-тижорат Халқ банки акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 2008 йилда банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга етказиш тўғрисида қарор қабул этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2009 — 2012 йиллар мобайнида Давлат-тижорат Халқ банкининг устав капиталини банк акциядорлари орасидаги мавжуд улуш тақсимотини сақлаб қолган ва банк акцияларини 1-иловага* мувофиқ ҳажмда қўшимча жойлаштирган ҳолда 200 млрд. сўмга етказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Давлат-тижорат Халқ банки Кузатув кенгашининг янгиланган таркиби 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Кузатув кенгаши (Р.С. Азимов) ва Халқ банки Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда:

ҳар йили банкнинг кредит режасини шакллантиришда молиялаштирилиши мўлжалланаётган инвестиция лойиҳаларини синчковлик билан танлаб олиш, самардорлигини комплекс баҳолаш ва экспертизадан ўтказишни таъминласин;

амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг ўзини қоплаши, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши устидан тизимли мониторинг жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган қўшимча ва ўзгартишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 16 октябрь,
ПҚ-986-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

433 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида 2008 йил 10 март куни Тошкент шаҳрида имзоланган агросаноат комплекси соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битим;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

** 2-илова берилмайди.

2008 йил 10 март куни Тошкент шаҳрида имзоланган ҳукумат алоқаси соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартномалар кучга кириши учун зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 23 октябрь,
ПҚ-988-сон

—

+

УЧИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****434 Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори билан белгиланган тартиб 2008 йил 1 декабрдан бошлаб юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган автоматотранспорт воситалари рентаси, улардан бепул фойдаланиш, уларни гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини тасдиқлашга ҳам жорий этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 16 октябрь,
229-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 16 октябрдаги 229-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 4-бандида:

а) «к» кичик бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида автоматотранспорт воситалари олди-сотди, алмаштириш,

ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, бепул фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож қўйидаги схема бўйича ундирилади, ушбу банднинг «в», «г», «е» ва «к¹» кичик бандларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно»;

изоҳнинг учинчи хатбошидаги «автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя этиш» сўзлари «автомототранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижара, бепул фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «к¹» кичик банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«юридик шахслар ўртасида, жисмоний шахслар ўртасида, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида енгил автоматотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномалар, Ватанимизда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш муддати ишлаб чиқарувчининг расмий дилерларидан харид қилинган кундан бошлаб бир йилдан ошмайдиган олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента, ижарага бериш, бепул фойдаланиш, гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини тасдиқлаганлик учун бож ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида ундирилади, ушбу банднинг «в», «г» ва «е» кичик бандларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно»;

в) «л» кичик бандда «л¹» кичик бандида» сўзлари «к¹» кичик бандида» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) «л¹» кичик банд чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 17-модда):

а) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Белгилансинки, 2008 йил 1 декабрдан бошлаб:

нотариуслар томонидан автоматотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш, бошқа шахсга бериш (олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента), ижарага бериш, бепул фойдаланиш ҳуқуқига ишончномаларни, гаровга қўйиш, лизинг шартномаларини нотариал тасдиқлаш фақат «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланадиган, химоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган қатъий ҳисобот бериладиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади;

нотариал тасдиқланган бошқа шахсга бериш шартномалари рўйхатдан ўтказилиши керак, фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномалар ва ижарага бериш, гаровга қўйиш, лизинг шартномалари эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ДЙХХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак»;

б) 4-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

в) қарорга иловада:

илованинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом»;

1-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу Низом автоматотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш, бошқа шахсга бериш (олди-сотди, алмаштириш, ҳадя этиш, рента), ижарага бериш, бепул фойдаланиш ҳуқуқига ишончномаларни, гаровга қўйиш,

лизинг шартномаларини расмийлаштириш тартибини белгилайди (кейинги ўринларда «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» деб юритилади);

3-бандда:

биринчи хатбошидаги «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномалари» сўзлари «Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «департаментининг ҳудудий бўлимлари суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлимлари суд ижрочилари» сўзлари «департаментининг ҳудудий бошқармалари суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автоматотранспорт воситаларига ишончномалар бериш, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига бошқа давлатлардан олиб келинган автоматотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 6-банддаги «автомототранспорт воситалари ишончномаларини, бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини» сўзлари «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг биринчи хатбошидаги «автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга бериш ҳуқуқи билан боғлиқ ишончномаларни, бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини» сўзлари «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар, тасарруф этиш ҳуқуқисиз ишончномалар бундан мустасно» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг биринчи хатбошидаги «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини» сўзлари «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўзлари билан алмаштирилсин, шунингдек ушбу хатбошига «ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага олувчига» сўзларидан кейин «бепул фойдаланиш шартномаси бўйича ссуда олувчига, гаров шартномаси бўйича пул берувчига, лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига» сўзлари қўшилсин;

9-банднинг биринчи хатбошидаги «шартномалар» сўзи «битимлар» сўзи билан алмаштирилсин;

10-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Автотранспорт воситаларини 18 ёшга тўлмаган шахсларга, мототранспорт воситаларини 16 ёшга тўлмаган шахсларга истисно тариқасида рўйхатдан ўтказишда рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ушбу шахсларга расмийлаштирилади, гувоҳномага ва автоматотранспорт воситаларини рўйхатга олиш карточкасига: «Транспорт воситаси эгаси 18 (16) ёшга тўлгунга қадар васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки уларнинг қонуний вакилларининг (ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва ҳомийларнинг) рухсатисиз автоматотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузиш тақиқланади» ёзуви киритилади. Нотариуслар томонидан тасдиқланган автоматотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар (ихтисослаштирилган савдо корхоналари ва кимошди савдолари орқали сотиш бўйича бошқа шахсга бериш шартномалари, шартномалар (баённомалар) бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автоматотранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ДЙХХХ органларида ҳисобга қўйилиши керак»;

11-бандда:

биринчи хатбошидаги «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари» сўзлари «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ДЙХХХ органлари тегишли нотариал идоралардан уларга нисбатан автоматотранспорт воситалари билан битимлар тасдиқланган автоматотранспорт воситаларига тегишли тезкор маълумотларни олиш йўли билан автоматотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар автомобиль эгалари (ижарага олувчилар ва ишончли шахслар) томонидан ДЙХХХ органларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиши (ҳисобга қўйилиши) бўйича талабларга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади»;

12-банднинг иккинчи хатбошидаги «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномалари» сўзлари «автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2008 йил 29 февралдаги 35-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 2-3-сон, 6-модда) иловадан 4-банд чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

435 Мехрибонлик уйи тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Мехрибонлик уйлари фаолиятини такомиллаштириш, ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ижтимоий-психологик реабилитациясини ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-меҳнат кўникмалари ҳосил қилишига ва жамиятга уйғунлашувига кўмаклашиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида» 2008 йил 29 февралдаги ПҚ–805-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мехрибонлик уйи тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

уч ой муддатда Мехрибонлик уйлари фаолиятини ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқлаштирсин;

Мехрибонлик уйлари фаолияти мунтазам назорат қилинишини таъминласин, уларга юкланган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Мехрибонлик уйларининг тарбияланувчилари истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача суткалик мақбул меъёрларини тасдиқласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасалари ҳақидаги низомларни тас-

диклаш тўғрисида» 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори 1-бандининг тўртинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 2-сон, 5-модда) ва қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 17 октябрь,
230-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 17 октябрдаги 230-сон қарорига
ИЛОВА

**Меҳрибонлик уйи тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Меҳрибонлик уйларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти, шунингдек уларда тарбия-таълим жараёнини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Меҳрибонлик уйи етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун давлат тарбия муассасасидир.

3. Меҳрибонлик уйи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ўз уставига амал қилади.

4. Қуйидагилар Меҳрибонлик уйининг асосий вазифалари ҳисобланади:
етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни (кейинги ўринларда «тарбияланувчилар» деб аталади) тарбиялаш, камол топтириш ва қўллаб-қувватлаш;
тарбияланувчиларни тўлиқ руҳий соғломлаштиришга, ижтимоий мослаштиришга ва жамиятга уйғунлаштиришга қўмаклашадиган, уларнинг сифатли таълим ва тарбия олиши, шунингдек уларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш учун уй шароитига энг кўп даражада яқинлаштирилган муҳитни яратиш;
тарбияланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;
тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи, психологик ва жисмоний ривожланиши ҳимоя қилинишини таъминлаш.

II. Меҳрибонлик уйини ташкил этиш тартиби

5. Меҳрибонлик уйи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

6. Меҳрибонлик уйи муассаса шаклида ташкил этилади ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилади.

7. Меҳрибонлик уйи устави халқ таълимининг тегишли органи томонидан тасдиқланади.

Меҳрибонлик уйининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

8. Меҳрибонлик уйлари қуйидаги типларга бўлинади:

а) мактабгача Меҳрибонлик уйи (3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун);

б) Меҳрибонлик уйи (мактабгача ва мактаб ёшидаги ёки фақат мактаб ёшидаги болалар учун);

в) махсус коррекцион Меҳрибонлик уйи (жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун).

Меҳрибонлик уйи типи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.

9. Меҳрибонлик уйлари фаолиятини мувофиқлаштириш халқ таълимининг тегишли органлари томонидан амалга оширилади.

10. Меҳрибонлик уйи банк ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган муҳрга, ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларга эга бўлади.

III. Меҳрибонлик уйига болаларни қабул қилиш

11. Болалар Меҳрибонлик уйига йил мобайнида ота-оналари вафот этган, улар ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, уларнинг ота-оналик ҳуқуқлари чекланган, ота-оналар ҳуқуқий лаёқатсиз деб эътироф этилган, ота-оналар касал бўлган, ота-оналар узоқ муддат бўлмаган, ота-оналар болаларни тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бош тортган, шу жумладан ота-оналар ўз болаларини тарбия муассасаларидан, даволаш муассасаларидан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ва шунга ўхшаш муассасалардан олишни рад этган ҳолларда, шунингдек болалар ота-оналарининг қаровисиз қолган бошқа ҳолларда қабул қилиниши керак.

12. Меҳрибонлик уйига 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади-лар.

Жисмоний ёки психологик жихатидан нуқсонлари бўлган етим ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар ихтисослаштирилган таълим муассасаларига (мактаб-интернатларга) ёки махсус коррекцион Меҳрибонлик уйларига белгиланган тартибда юборилади.

13. Меҳрибонлик уйига кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг болалари, фақат отаси ёки онаси бор бўлган болалар ушбу оилаларни бир йилгача муддатда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида вақтинчалик қабул қилинади. Уларнинг бундан кейин Меҳрибонлик уйида бўлиши тарбияланувчи яшайдиган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасига кўра туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан белгиланади.

14. Меҳрибонлик уйидаги тарбияланувчилар сони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан, санитария ва гигиена нормаларига мажбурий риоя қилган ҳолда белгиланади, лекин тарбияланувчиларнинг сони 140 нафардан ошмаслиги керак.

15. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳар хил ёки бир хил ёшдаги тарбияланувчилар гуруҳларига бирлаштирилади. 7 ёшгача бўлган турли ёшдаги болалар гуруҳларида тарбияланувчилар сони 10 нафар этиб белгиланади, бир хил ёшдаги

тарбияланувчилар гуруҳларида эса: 4 ёшгача бўлган болалар — 8 нафар, 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар гуруҳида эса — 12 нафар бола бўлади; тарбияланувчилар гуруҳларидаги ўқувчилар сони I — IX синфларда — 17 киши бўлиши лозим.

Меҳрибонлик уйида коррекцион гуруҳлар ташкил этилиши мумкин.

Тарбияланувчиларни коррекцион гуруҳларга йўллаш фақат тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулосаси асосида амалга оширилади.

16. Меҳрибонлик уйига йўллаш тарбияланувчи яшайдиган жой бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг қарори асосида Меҳрибонлик уйи унинг тасарруфида бўлган халқ таълими тегишли органлари томонидан амалга оширилади.

17. Меҳрибонлик уйига юбориладиган ҳар бир бола учун васийлик ва ҳомийлик органи томонидан, бир Меҳрибонлик уйидан бошқасига ўтказишда эса — Меҳрибонлик уйи маъмурияти томонидан куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) Меҳрибонлик уйига йўлланма;

б) туман (шаҳар) ҳокимининг болани Меҳрибонлик уйига жойлаштириш ҳақидаги қарори (қарорда балоғатга етмаган бола, унинг оиласи, турар жой майдони болага бириктирилганлиги тўғрисидаги аниқ қайднома билан биргаликда турар жой майдони мавжудлиги тўғрисидаги далилли ва тўлиқ маълумотлар бўлиши керак);

в) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, гувоҳнома бўлмаган тақдирда — боланинг ёшени аниқлайдиган тиббий экспертиза хулосаси;

г) анализлар натижалари ва тиббий-психологик-педагогик хулосаси илова қилинган ҳолда боланинг психик ва жисмоний соғлиғи ҳақидаги тиббий ҳужжатлар (тиббий текширишлар натижалари илова қилинган ҳолда);

д) маълумоти ҳақидаги ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

е) ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар (ота-оналарнинг паспортлари нусхалари ёки уларнинг вафоти ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, суднинг ҳукми ёки қарори, ота-онасининг сурункали касаллиги ёки кидирувда эканлиги ҳақидаги, ота-онасининг йўқлиги ёки уларнинг ўз фарзандларини тарбиялай олмаслиги ҳақидаги бошқа ҳужжатлар, шунингдек ота-оналарнинг яшаш жойи тўғрисида маълумотнома);

ж) боланинг турмуш шароити ва тарбияси ҳақидаги текширув далолатномаси;

з) боланинг яқин қариндошлари мавжудлиги ва уларнинг яшаш жойлари ҳақида маълумотнома;

и) боланинг ота-онасидан қолган мол-мулки (агар бор бўлса) рўйхати, ушбу мол-мулкнинг қаерда жойлашганлиги, уни сақлаш учун қандай чоралар кўрилганлиги ва уларни сақлаш учун жавобгар шахслар ҳақидаги маълумот;

к) болага турар жой бириктирилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (далолатнома, уй дафтари, турар жой чизмаси нусхалари, турар жойнинг эгаси ва хусусийлаштирилганлиги ҳолати тўғрисида туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлиmidан маълумотнома);

л) пенсия олувчи болаларнинг пенсия дафтарчаси, бола фойдасига алимент ундириш ҳақидаги суд қарори, омонат дафтарчаси.

Болани мазкур Низомнинг 13-бандига мувофиқ Меҳрибонлик уйига жойлаштиришда юқорида кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга ота-онанинг аризаси, турар жойи ва оила аъзолари ҳақидаги маълумотномалар тақдим этилади. Бу ҳолда ушбу банднинг «з», «и», «л» кичик бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмайди.

18. Бир оиланинг аъзолари бўлган болалар ёки қариндошлар бир муассасага юборилади. Тиббий ёки бошқа сабабларга кўра ушбу болаларни алоҳида тарбиялаш ва жойлаштириш керак бўлган ҳоллар бундан мустасно.

19. Тарбияланувчиларни мактабгача тарбия Меҳрибонлик уйидан мактаб ёши-

даги болалар учун Меҳрибонлик уйига ўтказиш 1 июндан 25 августга қадар амалга оширилади.

Тарбияланувчиларни соғлиқни сақлаш муассасаларидан Меҳрибонлик уйига қабул қилиш мажбурий тартибда, бола 3 ёшга тўлгандан сўнг ушбу Низомнинг 17-бандига мувофиқ амалга оширилади.

IV. Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари

20. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг таълими, тарбияси ва таъминоти тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

21. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг озик-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишининг ўртача суткалик мақбул меъёрларига мувофиқ озик-овқат, шунингдек ушбу Низомга иловага мувофиқ норма бўйича кийим-бош, пойабзал, юмшоқ жиҳозлар билан таъминланадилар.

22. Меҳрибонлик уйи маъмурияти тарбияланувчилар ушбу Меҳрибонлик уйда бўлишининг биринчи йили мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, ота-онасининг қаровисиз қолган, уй-жой майдонига эҳтиёжманд бўлган тарбияланувчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Меҳрибонлик уйларининг эҳтиёжманд тарбияланувчиларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлашлари керак.

24. Меҳрибонлик уйи маъмурияти тарбияланувчиларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига киришига ёрдам беради.

25. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига ўқишга кирган тақдирда Меҳрибонлик уйи маъмурияти тарбияланувчига васийлик қилишни бундан кейин мазкур таълим муассасасига бериш учун тарбияланувчи ўқишга кирган таълим муассасаси жойлашган жой бўйича васийлик ва хомийлик органини хабардор қилади.

26. Тарбияланувчилар Меҳрибонлик уйи маъмурияти билан келишув асосида, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасини тамомлагунга қадар, агар мазкур таълим муассасасида ётоқхона бўлмаса ҳамда мазкур таълим муассасаси ва Меҳрибонлик уйи битта аҳоли пунктида жойлашган бўлса, Меҳрибонлик уйида яшаш ҳуқуқига эгадирлар.

27. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг дам олиш ёки байрам кунларида, таътил вақтида Меҳрибонлик уйига келадиган тарбияланувчилари — ўқувчилари, маъмурият билан келишув асосида, яшаш учун қабул қилинадилар.

28. Тарбияланувчилар қонун ҳужжатларига, ахлоқий ва одоб-ахлоқ нормаларига, Меҳрибонлик уйининг ички тартиб-қоидаларига риоя қилишга; билимларни, амалий кўникмаларни, касб маҳоратини мунтазам ва пухта эгаллашга, ўзларининг умумий ва маданий савиясини ошириб боришга мажбур.

29. Меҳрибонлик уйдан чиқаришда тарбияланувчиларга қуйидаги ҳужжатлар берилди:

- а) туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, 16 ёшга тўлганларга эса паспорт ҳам;
- б) Меҳрибонлик уйида бўлганлик ҳақида маълумотнома;
- в) соғлиғи ҳақида маълумотнома (тиббий ҳужжатлар);
- г) маълумоти тўғрисида ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

д) ота-онаси ва бошқа яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар.

Боланинг мол-мулкка, пул маблағларига, турар жойга (ўзи ёки ота-онасига қарашли бўлган) эгаллик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, пенсия ва омонат дафтарчалари, алиментлар ундириш тўғрисидаги ижро варақаси ва шахсий ҳужжатлар йиғма жилдидаги бошқа ҳужжатлар ҳам берилади.

30. Тарбияланувчиларнинг битириши тўғрисидаги қарор коллегиял орган — Меҳрибонлик уйи Кенгаши томонидан қабул қилинади ва Меҳрибонлик уйи тасарруфида бўлган халқ таълими тегишли органи томонидан тасдиқланади.

31. Тарбияланувчиларнинг ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан бундан кейин тарбиялаш учун қайтарилиши ушбу Низомнинг 29-бандига мувофиқ амалга оширилади. Боланинг ёшидан, йил вақтидан ва қайтиш ҳолатларидан қатъи назар, бола яшайдиган жой бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг ҳулосасига мувофиқ чиқарилган ҳокимнинг қарори тарбияланувчининг қайтиши учун асос ҳисобланади.

32. Меҳрибонлик уйи директори тарбияланувчиларни қабул қилиш ва уларни Меҳрибонлик уйидан чиқариш учун ушбу Низом талабларига мувофиқ шахсан жавоб беради.

V. Меҳрибонлик уйида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш

33. Тарбияланувчиларни ўқитиш яқин-атрофда жойлашган умумтаълим ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Ҳар бир босқичда ўқиш ёши ва ўқишнинг қанча давом этиши Меҳрибонлик уйи ёки тарбияланувчи ўқиётган бошқа таълим муассасасининг уставида белгиланади. Ҳар бир босқичда ўқишнинг қанча давом этиши тўғрисидаги ҳулоса Меҳрибонлик уйи раҳбари иштирокида тарбияланувчи ўқиётган таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори билан қабул қилинади.

34. Тарбияланувчилар билим олаётган таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ва бошқа масалалари Меҳрибонлик уйи педагогик жамоаси билан яқин ҳамкорликда ҳал қилинади.

35. Меҳрибонлик уйидаги таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий ишлар таълим ва тарбиянинг инсонпарварлик, демократик ва дунёвий тамойиллари асосида қурилади.

36. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқ фанларнинг асослари бўйича мунтазам билим, малака ва кўникмаларни эгаллаб олишига кўмаклашади, шунингдек миллий ва умуминсоний маънавий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий фазилатлар шаклланиши, ижодий қобилиятлар, меҳнат кўникмалари, атроф муҳитга ва касб танлашга онгли муносабатда бўлишнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратади.

37. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларнинг интеллектуал, ахлоқий, жисмоний ва қувноқ ривожланиши, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун энг кўп даражада қулай шарт-шароитлар яратади.

Таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда тарбияланувчиларнинг психологик-педагогик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда тарбиянинг мақбул технологиялари, шакллари ва усуллари танланади.

38. Мактабгача Меҳрибонлик уйи, шунингдек Меҳрибонлик уйининг мактабгача гуруҳлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган мактабгача таълим муассасалари учун

давлат таълим талаблари бўйича ишлаб чиқилган таълим-тарбия дастурига мувофиқ амалга оширадilar.

39. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган тарбияланувчиларнинг таълим-тарбия жараёни ривожланишидаги нуқсонларга мувофиқ таълим ва тарбиянинг махсус дастурлари бўйича ташкил этилади.

40. Тарбияланувчиларнинг индивидуал, таълим-ривожлантирувчи эҳтиёжларини кондириш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш, шунингдек кейинчалик касбга йўналтириш учун уларнинг кизиқишлари ва мойилликларини аниқлаш, бўш вақтларини ва дам олишини ташкил қилиш мақсадида Меҳрибонлик уйида ҳам муассасанинг маблағлари, ҳам бошқа маблағлар ҳисобига турли клублар, секциялар, тўгараклар, студиялар ташкил этилади.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари маданий-эстетик, табиий-илмий, техник, спорт ва бошқа йўналишлардаги мактабдан ташқари таълим муассасалари ишларида қатнашишлари мумкин.

41. Тарбияланувчиларнинг маданий-оммавий, спорт ва меҳнат фаолиятининг турли шаклларида қатнашиши ташаббускорлик, мустақиллик ва виждонийлик таъминлаши асосида амалга оширилади.

42. Болага нисбатан дўстона муносабатлар муҳитини яратиш ва ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Меҳрибонлик уйида болалар бирлашмалари ташкил қилиниши мумкин.

43. Таътил вақтида болаларнинг дам олиши Меҳрибонлик уйига қарайдиган шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда, дала ҳовлиларда, шунингдек туристик, спорт, соғломлаштириш оромгоҳларида, дам олиш уйларида, санаторийларда ташкил этилади.

44. Таълим, меҳнат, дам олиш ва турли тадбирларнинг тиббий-педагогик жиҳатдан ўзаро асосли боғлиқлигини таъминлайдиган кун тартиби тарбияланувчиларнинг Меҳрибонлик уйида кеча-кундуз бўлишларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

VI. Ижтимоий-психологик педагогик кўмаклашишни ташкил этиш

45. Тарбияланувчилар, педагоглар, тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга ижтимоий, психологик-педагогик ёрдам бериш мақсадида Меҳрибонлик уйида ижтимоий-психологик ва педагогик кўмаклашиш хизмати (кейинги ўринларда «хизмат» деб аталади) ташкил этилади.

Хизмат мутахассислар — Меҳрибонлик уйи ходимлари: ижтимоий ходим, психолог, врач, дефектолог, катта вожатий, кутубхоначидан иборат бўлади. Хизматга махсус ходим — ижтимоий муҳофаза бўйича директор ўринбосари бошчилик қилади.

46. Хизмат ходимлари:

тарбияланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ва уларнинг мол-мулкани ҳимоя қиладилар;

тарбияланувчилар билан диагностик, психологик-профилактик, коррекцион, маслаҳат бериш ва реабилитация ишларини олиб борадилар;

Меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари, педагоглари, маъмурияти ва бошқа ходимлари билан психологик-профилактик маслаҳат бериш, таълим (семинарлар, тренинглар) ишларини олиб борадилар;

тарбияланувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан маслаҳат бериш ва реабилитация ишларини олиб борадилар.

47. Хизматнинг ходимлари қуйидаги йўналишлар бўйича иш олиб борадилар:

а) тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида:

тарбияланувчининг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдини ўрганиш ва унинг ижтимоий мақоми барқарорлигини аниқлаш;

тарбияланувчиларнинг мулкӣй ва номулкӣй ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

даъво бўйича иш олиб бориш ва етишмаётган ҳужжатларни тўплаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тарбияланувчилар ва уларнинг мол-мулкига нисбатан қонун бузилишига йўл қўяётган шахслар жавобгарликка тортилишига қўмаклашиш;

ота-оналарни аниқлаш ва улар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш;

тарбияланувчиларнинг манфаатларини қўзлаб суд мажлисларида қатнашиш;

ижтимоий билимлар, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кўникмаларини шакллантириш бўйича тарбияланувчилар орасида таълим-тарбия ишларини ташкил этиш.

б) боланинг Меҳрибонлик уйида яшашга мослашиш учун зарур бўлган имкониятларини аниқлаш ва ривожлантириш, тарбияланувчиларнинг ҳулқ-атворидаги чекинишлар профилактикаси соҳасида:

ижтимоий ривожланиш ва (ёки) реабилитацияни тузатишга эҳтиёжманд бўлган тарбияланувчилар тоифасини аниқлаш;

камол топишнинг тиббий-ижтимоий ва психологик-педагогик муаммолари ташхиси;

тарбияланувчини камол топтириш ва реабилитация қилишнинг шахсий дастурини тузиш;

шахснинг камол топиши ва унинг жамиятга реабилитациясининг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари яратилишига қўмаклашиш (педагог ходимлар, тенгдошлар гуруҳлари, дўстлар билан иш олиб бориш);

тарбияланувчиларни касбга йўллаш;

тарбияланувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

тарбияланувчиларда ўз тақдири учун масъулият туйғусини шакллантириш.

в) тарбияланувчиларни жойлаштиришнинг муқобил шакллари соҳасида:

тарбияланувчини мустақил ҳаётга тайёрлаш;

ота-оналарни ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни тарбияланувчини оилага қабул қилишга тайёрлаш;

тарбияланувчини ўз оиласига қайтаришга тайёрлаш ва қайтариш;

тарбияланувчини фарзандликка олган оилада яшашга тайёрлаш.

48. Тарбияланувчи Меҳрибонлик уйи ҳаётига тўлақонли киришиб кетишини ва кейинчалик унинг жамиятга ижтимоий мослашишини таъминлаш учун ижтимоий ходим, психолог, педагог-тарбиячи ва врач томонидан биргаликда тарбияланувчи билан шахсий коррекцион-тарбия ишларини олиб бориш дастури ишлаб чиқилади.

VII. Меҳрибонлик уйи ходимлари

49. Педагог ходимлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда контракт асосида қабул қилинади.

50. Тиббий хизмат кўрсатиш Меҳрибонлик уйининг тиббиёт ходимлари томонидан (тегишли соғлиқни сақлаш муассасаларидан мутахассисларни жалб этган

ҳолда) амалга оширилади, улар (маъмурият билан бир қаторда) тарбияланувчиларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиши, овқатланиш тартиби ва сифати, даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш ва санитария-гигиена нормаларига риоя қилиш учун жавоб берадилар.

Меҳрибонлик уйида даволаш-маслаҳат ёрдами ва ўтказилган даволаш-соғломлаштириш тадбирлари таҳлили тегишли соғлиқни сақлаш органлари томонидан амалга оширилади.

51. Меҳрибонлик уйида таълим-тарбия жараёнини психологик таъминлашни психолог амалга оширади.

52. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий кузатиб бориш ижтимоий соҳа органи ходими томонидан амалга оширилади.

53. Меҳрибонлик уйи маъмурияти педагог, тиббиёт ва ижтимоий соҳа ходимларининг педагогик, касбий ва психологик маҳорати доимий равишда такомиллаштириб борилиши, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун жавоб беради.

54. Меҳрибонлик уйининг педагог ва тиббиёт ходимлари малакасини ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

55. Меҳрибонлик уйининг педагог ва тиббиёт ҳамда бошқа ходимлари Меҳрибонлик уйининг уставига, ички тартиб-қоидаларига риоя қилиши, касбий ахлоқ-одобга қатъий риоя этиши, таълим-тарбия жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлаши, тарбияланувчиларни ижтимоий-психологик ва тиббий жиҳатдан кузатиб бориши, ўз касбий малакасини мунтазам ошириши шарт.

56. Меҳрибонлик уйи ходимларининг лавозим бўйича ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, раҳбарларининг лаёқати ва функциялари қонун ҳужжатларида, шунингдек Меҳрибонлик уйи уставида белгиланади.

VIII. Меҳрибонлик уйини бошқариш

57. Меҳрибонлик уйини бошқариш демократия, ошкоралик принциплари асосида ва Меҳрибонлик уйи жамоаси билан жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлигида амалга оширилади.

Меҳрибонлик уйи Кенгаши таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга қўмаклашади.

Меҳрибонлик уйи Кенгашининг функциялари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Намунавий уставда ва Меҳрибонлик уйи уставида белгиланади.

58. Меҳрибонлик уйи Кенгаши фаолият йўналиши бўйича методик бирлашмаларга бирлашади.

59. Меҳрибонлик уйида жамоанинг умумий йиғилиши (конференция), педагогик кенгаш фаолият кўрсатиши мумкин.

60. Меҳрибонлик уйига бевосита раҳбарликни директор амалга оширади. Директорни ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли халқ таълими органлари томонидан амалга оширилади.

Меҳрибонлик уйи директори лавозимига қўйиладиган малака талаблари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Директор Меҳрибонлик уйидаги таълим-тарбия жараёнларининг аҳволи ва фаолият учун тўлиқ жавоб беради.

61. Директор Меҳрибонлик уйи номидан иш олиб боради, унинг манфаатларини ифодалайди, Меҳрибонлик уйининг мол-мулкани қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасарруф этади ва шартномалар тузади.

Директор:

Меҳрибонлик уйи ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарор қабул қилади ҳамда Меҳрибонлик уйига юкланган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг ваколатларини ва жавобгарлик даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида Меҳрибонлик уйининг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

тегишли халқ таълими органларига моддий-техник базани мустаҳкамлашга, тарбия ва таълим ишларини такомиллаштиришга, малакали педагог кадрлар билан таъминлашга йўналтирилган масалаларни ҳал этиш ҳамда Меҳрибонлик уйи фаолиятининг бошқа масалалари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун киритади;

педагогик ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

62. Ҳар бир Меҳрибонлик уйида Ҳомийлик кенгаши тузилади. Меҳрибонлик уйи фаолиятини жамоатчилик асосида самарали бошқаришни таъминлаш, уни моддий-техник жиҳозлашга, хўжалик фаолиятига, таълим-тарбия жараёнини методик ва кадрлар билан таъминлашга, кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга тааллуқли муҳим вазифаларга кўмаклашиш ва уларни ҳал этиш унинг мақсади ҳисобланади.

Ҳомийлик кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган Намунавий низом асосида амалга оширади.

IX. Молия-хўжалик фаолияти

63. Меҳрибонлик уйининг моддий-техник базаси зарур иморатлар, спорт иншоотлари, коммуникациялар, асбоб-анжомлар, транспорт воситалари ва ўқитишда, тарбиялашда ҳамда таълим-тарбия соҳасидаги бошқа вазифаларни ҳал этишда фойдаланиладиган бошқа мол-мулкдан иборат бўлади.

Меҳрибонлик уйи бинолари техника хавфсизлиги қоидаларига ҳамда санитария-гигиена нормаларига мувофиқ жиҳозланади ва улардан фойдаланилади.

64. Меҳрибонлик уйини маблағ билан таъминлаш белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ва мақсадли бадаллари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

65. Меҳрибонлик уйи тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган харажатлар сметаси асосида молиялаштирилади.

66. Бюджет маблағларини сарфлаш тасдиқланган харажатлар сметасига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Меҳрибонлик уйи қўшимча манбалар орқали олинган маблағлардан мустақил равишда фойдаланади. Бу тўғридаги қарор Меҳрибонлик уйи Кенгаши томонидан қабул қилинади.

67. Йил охирида ҳосил бўладиган пул маблағлари қолдиқлари, олинган манбаларидан қатъи назар, олиб қўйилмайди ва Меҳрибонлик уйи хоҳишига биноан, қонун ҳужжатларига мувофиқ сарфланади.

68. Штатлар жадвали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда намунавий штатларга мувофиқ тузилади.

69. Меҳрибонлик уйи ходимларининг иш ҳақи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

70. Меҳрибонлик уйи давлат ваколатли органлари томонидан белгиланган молия ва статистика ҳисоботларини юритади.

71. Меҳрибонлик уйининг молия-ҳўжалик фаолиятини назорат қилиш тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади.

Х. Яқуний қондалар

72. Меҳрибонлик уйи қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳозирги замон етимлик муаммолари бўйича халқаро фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

73. Меҳрибонлик уйини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Меҳрибонлик уйи тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш НОРМАЛАРИ

Т/р	Кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ жиҳозлар номи	Ўлчов бирлиги	Мактаб ёшидаги бир нафар тарбияланувчи учун			Мактабгача ёшдаги бир нафар тарбияланувчи учун	
			сони		фойдаланиш муддати (йил)	сони	фойдаланиш муддати (йил)
			ўғил болалар учун	қиз болалар учун			
Кийим-бошлар							
1.	Қишки пальто/куртка	та	1	1	2	1	2
2.	Мавсумий пальто, куртка	та	1	1	2	1	2
3.	Мақтаб формаси	тўплам	1	1	1	-	-
4.	Ўғил болалар учун костюмлар (галстук билан)	тўплам	2	-	2	2	2
5.	Жун костюм (байрам учун)	тўплам	1	-	2	1	2
6.	Ўғил болалар учун ип газламадан мактаб кўйлаклари	та	3	-	1	-	-
7.	Ўғил болалар учун ип газламадан устки кўйлак	та	3	-	1	3	1
8.	Қизлар учун кўйлак (юбка, блузка)	та	-	3	1	3	1
9.	Қизлар учун уй халатлари/кўйлаклари	та	-	2	1	2	1
10.	Қишки кўйлак (байрам учун)	та	-	1	1	1	1
11.	Жун свитерлар (жемперлар)	та	2	2	2	2	2
12.	Ёзги кўйлақлар (байрам учун)	та	-	3	1	3	1
13.	Ёзги бош кийим	та	1	1	1	1	1
14.	Қишки бош кийим	та	2	2	1	2	1
15.	Қизлар учун трико ва шим	та	-	4	1	4	1
16.	Дастрўмоллар	та	6	6	1	6	1
17.	Ўғил болалар учун шим камари	та	1	-	1	-	-
18.	Шарф	та	1	1	2	1	2
19.	Қўлқоплар	жуфт	2	2	1	2	1

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

T/p	Кийим-бош, пойабзал ва юмшоқ жиҳозлар номи	Ўлчов бирлиги	Мақтаб ёшидаги бир нафар тарбияланувчи учун			Мақтабгача ёшдаги бир нафар тарбияланувчи учун	
			сони		фойдаланиш муддати (йил)	сони	фойдаланиш муддати (йил)
			ўғил болалар учун	қиз болалар учун			
20.	Ички кўйлак	тўплам	4	4	2	5	2
21.	Спорт формаси, кроссовка	тўплам	1	1	1	1	1
22.	Бюстгалтер	та	-	3	1	-	-
23.	Калта спорт иштони	та	2	2	1	1	1
24.	Майкалар	та	4	4	1	4	1
25.	Ип пайоқлар, гольфлар	жуфт	5	5	1	6	1
26.	Жун пайоқлар, гольфлар	жуфт	5	5	1	6	1
27.	Ботинкалар, туфлилар	жуфт	3	3	1	3	1
28.	Шиппақлар	жуфт	2	2	1	2	1
29.	Қишки этиклар, ботинкалар	жуфт	1	1	1	1	1
30.	Калишлар	жуфт	1	1	1	1	1
31.	Ярим жун спорт костюми	та	1	1	1	1	1
32.	Тунги пижамалар	та	2	1	1	2	1
33.	Колготкалар	та	-	5	1	6	1
34.	Чўмилиш кийимлари	та	1	1	1	1	1
35.	Резина шапка	та	1	1	2	1	1
36.	Иш кийими	тўплам	1	1	2	1	1
37.	Портфеллар, сумкалар	та	1	1	1	-	-
38.	Шахсий буюмларни сақлаш учун рюкзак/сумка	та	1	1	3	1	5
Юмшоқ жиҳозлар							
39.	Чойшаб	та	3		1	5	1
40.	Кўрпа чойшаби	та	2		1	2	1
41.	Ёстиқ жилди	та	3		1	4	1
42.	Сочиқ	та	2		1	2	1
43.	Пахмоқ сочиқ	та	2		1	2	1
44.	Жун ёки пахтали адёл	та	1		6	1	6
45.	Пахмоқ адёл	та	1		3	2	3
46.	Тўшак	та	1		4	2	3
47.	Момикли ва патли ёстиқ	та	1		6	2	4
48.	Қатта чойшаб	та	1		3	1	3
49.	Қаравот ёнига тўшаладиган гиламча	та	1		4	1	4

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

437 «Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
22 октябрда 1108-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 1 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига ҳамда (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **бўяраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2002 йил 7 февралдаги 2002-01-сонли «Инвестиция воситачилари тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (2002 йил 13 март, рўйхат рақами 1108 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 26 сентябрь,
2008-21-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУҒИ

438 «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
22 октябрда 1384-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 1 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига ҳамда (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Бош директори томонидан 2004 йил 10 июндаги 2004-13-сонли «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (2004 йил 16 июль, рўйхат рақами 1384 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 28-сон, 325-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 24 сентябрь,
2008-16-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

439 «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
22 октябрда 1396-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2008 йил 1 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига ҳамда (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Бош директори томонидан 2004 йил 15 июлдаги 2004-16-сонли «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (2004 йил 6 август, рўйхат рақами 1396 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 31-сон, 361-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 3 октябрь,
2008-24-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2008 йил 18 октябрдан 24 октябргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 26 сентябрдаги 2008-21-сонли буйруғи.*

2008 йил 22 октябрда 1108-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 ноябрдан кучга киради).

2. «Уюшган биржадан ташқари бозорда корпоратив қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 24 сентябрдаги 2008-16-сонли буйруғи.*

2008 йил 22 октябрда 1384-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 ноябрдан кучга киради).

3. «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 3 октябрдаги 2008-24-сонли буйруғи.*

2008 йил 22 октябрда 1396-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 ноябрдан кучга киради).

II. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжатлар аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли, 1998 йил 31 декабрдаги 362-сонли, 1999 йил 29 мартдаги 99-сонли ва 2008 йил 12 майдаги 132-сонли буйруқлари.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажа-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

рилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида такдимнома киритилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlани;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

-

+